

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

125 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2772

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги, 2010 йил 15 мартдаги ПҚ–1302-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 17 декабрдаги 86-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2414, 2013 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 3-сон, 42-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 24 март,
21-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2016 йил 24 мартдаги
21-сонли буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот tizимида шахсий газна ҳисобварақларини юритиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги, 2010 йил 15 мартдаги ПҚ-1302-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш хавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида (бундан буён матнда «ЎРМВ» АТ деб юритилади) шахсий газна ҳисобварақларини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа мақсадли жамғармалар бюджетлари (бундан буён матнда БМЖ деб юритилади) даромадлари ва маблағлари харажати ҳисоби бўйича операцияларни юритиш мақсадида бюджет тизими бюджетларининг тегишли даражалари, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, БМЖ бюджетларидан маблағ олувчилар учун молия органлари ва давлат мақсадли жамғармаларини (бундан буён матнда ДМЖ деб юритилади) ва БМЖ тақсимловчи органлари томонидан «ЎРМВ» АТда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети бюджет таснифининг тегишли кодлари бўйича шахсий газна ҳисобварақлари очилади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

БМЖ — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;

харажатларни тўлаш учун рухсатнома (бундан буён матнда ХТР деб юритилади) — бюджет ташкилотига ёки бюджет маблағлари олувчига Молия вазирлиги Фазначилиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича Фазначилик бўлинмалари томонидан бериладиган, ХТРда кўрсатилган вақт давридан бошлаб бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи унинг доирасида молиявий мажбуриятлар қабул қила оладиган ва касса харажатларини амалга ошира оладиган бюджетдан ажратилган маблағлар суммасини акс эттирувчи хужжат;

«**ЎРМВ**» **АТ** — тегишли бюджетларнинг бюджет жараёнини комплекс автоматлаштириш, шу жумладан бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган ахборот тизими;

«**UzASBO**» **ДМ** — бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.

2-боб. Шахсий ғазна ҳисобварақлари

1-§. Шахсий ғазна ҳисобварақларининг турлари

3. Шахсий ғазна ҳисобварақлари қуйидаги турларга бўлинади:

бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетлари даражалари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари (бундан буён матнда даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари деб юритилади);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ДМЖ ва БМЖ даромадлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари (бундан буён матнда даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари деб юритилади);

бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақлари (бундан буён матнда харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари деб юритилади).

2-§. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари

4. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари бюджет тизими бюджетларининг тегишли даражалари ва турларининг тасдиқланган бюджет маблағлари ҳажмлари бўйича маълумотларни, турли даражадаги бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган ўзаро ҳисоб-китоб маблағлари бўйича операцияларни, бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетларининг ғазна ижроси жараёнида бюджет тизими тегишли бюджетларининг касса даромадлари ва харажатлари суммалари ҳажмини ўзида акс эттиришга мўлжалланган аналитик ҳисоб регистрлари ҳисобланади.

5. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи рақами ўн етти разряддан иборат:

1 дан 6 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифига мувофиқ маблағлар манбаси ва тегишли бюджетлар даражалари коди;

7 дан 9 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Валюталар таснифига мувофиқ валюта коди;

10 дан 14 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Худудий таснифга мувофиқ худудий тегишлилик коди;

15 дан 17 гача бўлган разрядлар — «ЎРМВ» АТда автоматик тарзда бериладиган шахсий ғазна ҳисобварағининг ноёб рақами.

3-§. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари

6. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари бюджет тизими тегишли бюджетларининг тасдиқланган даромадлари миқдори бўйича маълумотларни, бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетлари даромадларининг ғазна ижроси жараёнида даромадларнинг касса тушумлари ҳажми ва тегишли бюджетларга ва бюджетлардан даромадлар турлари ва манбалари бўйича қайтариш (ҳисобга олиш) суммаларини ўзида акс эттиришга мўлжалланган аналитик ҳисоб регистрлари ҳисобланади.

7. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари келиб тушаётган даромадларнинг тегишли бюджетларга маблағлар кирими амалга оширилган тегишли ҳудудга мансублигини аниқлайди.

8. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағи рақами йигирма беш разряддан иборат:

1 дан 6 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифига мувофиқ маблағлар манбаси ва тегишли бюджетлар даражалари коди;

7 дан 9 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Валюталар таснифига мувофиқ валюта коди;

10-разряд — назорат калити;

11 дан 15 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Худудий таснифга мувофиқ худудий тегишлилик коди;

16 дан 22 гача бўлган разрядлар — даромад тури;

23 дан 25 гача бўлган разрядлар — Ташкилий таснифнинг тегишли коди.

4-§. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари

9. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тасдиқланган (аниқланган) режали бюджетдан ажратиладиган маблағларни, рўйхатдан ўтказилган юридик ва молиявий мажбуриятларни, ХТРларни, амалга оширилган касса харажатларини ўзида акс эттиришга мўлжалланган аналитик ҳисоб регистрлари ҳисобланади.

10. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари рақами йигирма етти разряддан иборат:

1 дан 6 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Бюджет тизими бюд-

жетлари маблағларининг манбалари ва даражалари таснифига мувофиқ маблағлар манбаси ва тегишли бюджетлар даражалари коди;

7 дан 9 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Валюталар таснифига мувофиқ валюта коди;

10 дан 14 гача бўлган разрядлар — тасдиқланган Худудий таснифга мувофиқ худудий тегишлилик коди;

15 дан 21 гача бўлган разрядлар — Вазифа жихатдан таснифининг тегишли коди;

22 дан 24 гача бўлган разрядлар — Ташкилий таснифнинг тегишли коди;

25 дан 27 гача бўлган разрядлар — «ЎРМВ» АТда автоматик тарзда бериладиган шахсий ғазна ҳисобварағининг ноёб рақами.

11. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари икки турга бўлинади: бюджет ва бюджетдан ташқари.

12. Харажатлар бўйича бюджет шахсий ғазна ҳисобварақларида қуйидагиларнинг ҳисоби олиб борилади:

уларнинг фаолиятини юритишни таъминлаш ва марказлашган тадбирларини амалга ошириш учун харажатлар сметасида назарда тутилган режали бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва БМЖ маблағлари;

юридик шахс мақомига эга бўлмаган қуйи ташкилотлар учун назарда тутилган режали бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмасида назарда тутилган режали бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва ДМЖ маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари бўйича харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар;

юридик ва молиявий мажбуриятлар;

ХТР;

касса харажатлари.

13. Харажатлар бўйича бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақларида қуйидагиларнинг ҳисоби олиб борилади:

бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилари ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг тегишли сметаларида назарда тутилган режали бюджетдан ташқари маблағлари, бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ва сарфланиш йўналишлари чегараланмаган турлари бундан мустасно;

келиб тушаётган бюджетдан ташқари маблағлар;

юридик ва молиявий мажбуриятлар;

касса харажатлари.

**3-боб. Шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш,
юритиш ва ёпиш**

**1-§. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини
очиш, юритиш ва ёпиш**

14. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш ва ёпиш «ЎРМВ» АТда қуйидагича амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети бўйича — Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети бўйича — тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари молия бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетлари бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан;

ДМЖ бюджетлари бўйича — ДМЖ тақсимловчи органлар томонидан;

БМЖ бюджетлари бўйича — БМЖ тақсимловчи органлар томонидан.

15. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари очилганидан ёки ўзгартирилганидан сўнг ҳудудий молия органлари ҳамда ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлар бу ҳақда ғазначилик бўлинмалари, давлат солиқ хизмати органлари ва божхона органларига хабар берадилар.

16. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида тегишли бюджетларнинг даражалари ва турларининг тасдиқланган бюджет маблағлари ҳажмлари, турли даражадаги бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланган ўзаро ҳисоб-китоб маблағлари бўйича операциялар, бюджет тизими бюджетлари ва БМЖ бюджетларининг ғазна ижроси жараёнида тегишли бюджетларнинг касса даромадлари ва харажатлари суммаларининг ҳажми бўйича маълумотлар ҳисоби юритилади.

17. Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг ёпилиши тегишли бюджетга мансуб бўлган ҳудуд қайта ташкил этилган ёки тугатилган (бирлаштирилган) ҳолларда амалга оширилади. Бошқа ҳолларда, даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари ёпилмайди.

18. Очилган ва ёпилган даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби «ЎРМВ» АТда Даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларни рўйхатдан ўтказиш китобида электрон кўринишда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

**2-§. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини
очиш, юритиш ва ёпиш**

19. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг очилиши ва ёпилиши Молия вазирлиги томонидан «ЎРМВ» АТда амалга оширилади.

20. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тегишли юридик

ва жисмоний шахслар томонидан тегишли ҳудудда тўланадиган, бюджет таснифига мувофиқ ҳар бир солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар (бундан буён матнда тўловлар деб юритилади) бўйича ҳар бир бюджет учун очилади.

21. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари очилгандан ёки ўзгартирилгандан сўнг Молия вазирлиги бу ҳақда тегишли ҳудудий молия органлари, ғазначилик бўлинмалари, ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек тўловларни ундирувчи ваколатли органларга хабар беради.

22. Тўловларни ундирувчи ваколатли органлар тўловчиларга даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотни етказадилар.

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловчиларнинг ҳисоб рақамлари очилган барча тижорат банкларига даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотни етказиши.

24. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида тегишли бюджетлар даромадларининг тасдиқланган режавий ҳажми, ҳақиқий тушумлар ҳажмлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, ДМЖ ва БМЖ бюджетлари даромадларининг ғазна ижроси жараёнида даражалар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига амалга оширилган ажратмалар (тақсимотлар) ҳамда тегишли бюджетларга ёки тегишли бюджетлардан даромадлар турлари ва манбаси бўйича қайтарилган (ҳисобга олинган) суммалар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби юритилади.

25. Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг ёпилиши тегишли бюджетга ўтказилиши лозим бўлган тўлов тури бекор қилинган ҳолларда амалга оширилади.

26. Очилган ва ёпилган даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби «ЎРМВ» АТда Даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларни рўйхатдан ўтказиш китобида электрон кўринишда мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

3-§. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш

27. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари уларнинг белгиланган мақсадига кўра мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ тегишли турлар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар бўйича — Молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар бўйича — тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари молия бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан;

ДМЖ бюджетларидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — ДМЖ тақсимловчи органлар томонидан;

БМЖ бюджетларидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — БМЖ тақсимловчи органлар томонидан очилади.

28. Харажатлар бўйича бюджет шахсий ғазна ҳисобварақлари қуйидагиларга асосан очилади:

мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги шахсий ғазна ҳисобварағи очиш учун ариза. Бунда, агар бюджет ташкилоти бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қўйи бюджет ташкилотининг бюджет маблағларини тақсимловчиси бўлса, тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлари очиш учун шахсий ғазна ҳисобварағи очиш тўғрисидаги аризага мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хизмат кўрсатиладиган қўйи бюджет ташкилотларининг рўйхати илова қилинади;

харажатлар сметаси. Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган қўйи бюджет ташкилотларининг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджет ташкилотлари учун ўз харажатлари ҳисобини юритиш учун (харажатлар сметаси асосида) алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари ва хизмат кўрсатиладиган қўйи бюджет ташкилотларининг харажатлари ҳисобини юритиш учун (жамланма харажатлар сметалари асосида) бюджет таснифининг ҳар бир кичик бўлими бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади;

капитал қурилиш буюртмачилари учун — капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати, лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати, қурилишларнинг титул рўйхати.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари учун харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари ҳар бир харажатлар сметаси бўйича алоҳида очилади.

30. Харажатлар бўйича бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварақлари қуйидагиларга асосан очилади:

мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги шахсий ғазна ҳисобварағи очиш учун ариза. Бунда, агар бюджет ташкилоти бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қўйи бюджет ташкилотининг бюджет маблағларини тақсимловчиси бўлса, тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлари очиш учун шахсий ғазна ҳисобварағи очиш тўғрисидаги аризага мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хизмат кўрсатиладиган қўйи бюджет ташкилотларининг рўйхати илова қилинади;

бюджетдан ташқари маблағларнинг лимитланган тушуми ва харажатлари бўйича харажатлар сметаси (тушуми ва харажат йўналиши лимитланган бюджетдан ташқари маблағлар бундан мустасно). Бунда, юридик шахс

мақомига эга бўлмаган қуйи бюджет ташкилотларининг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджет ташкилотлари учун ўз харажатлари ҳисобини юритиш учун (харажатлар сметаси асосида) алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари ва хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджет ташкилотларининг харажатлари ҳисобини юритиш учун (жамланма харажатлар сметалари асосида) бюджет таснифининг ҳар бир кичик бўлими бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади.

31. Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 28 ва 30-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида очилади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, улар қайта ишлаш ва камчиликларни бартараф этиш учун икки иш куни мобайнида қайтарилади.

32. Шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш учун асос бўлган тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди ва молия органлари ҳамда ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органларда сақланади.

33. Молия органлари ҳамда ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлар харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари очилгандан ёки ўзгартирилгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан бу ҳақда бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларни хабардор қиладилар. Ўз навбатида бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчилар икки иш куни мобайнида очилган ёки ўзгартирилган харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари реквизитларини тегишли давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига етказадилар.

34. Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг бўйсунининг ёки ташкилий-ҳуқуқий мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган тарзда унинг номи ўзгарганда, бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчи янги ном олгандан сўнг, бир иш куни мобайнида бу ҳақда тегишли молия органи ёки ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органга ёзма равишда хабар беради.

Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг ёзма хабарномаси асосида молия органи ва ДМЖ ёки БМЖ тақсимловчи органлар томонидан бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ёки БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг номи ўзгарганлиги муносабати билан харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақига шахсий ғазна ҳисобварақнинг ноёб рақамини ўзгартирмаган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритилади.

35. Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ёки БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг бирлашиши, бўлиниши, ажралиб чиқиши, қайта ташкил этилишида, янгидан вужудга келган ташкилот давлат рўйхатидан

ўтгандан сўнг, қўшилиш шаклида қайта ташкил этилганда эса, ташкилот фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг қайта ташкил этилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда молия органига ёки ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органга харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини ёпиш учун ариза тақдим этади.

36. Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ёки БМЖ бюджетидан маблағ олувчи тугатилганда, тугатилаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан тугатиш жараёни бошланган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида молия органига ёки ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органга юқори турувчи ташкилот ёки нотариал тасдиқланган тугатиш тўғрисидаги ва тугатиш комиссиясининг тайинланиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тугатиш комиссиясининг фаолият юритиш муддатларини кўрсатган ҳолда тақдим этилади.

37. Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ёки БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг қайта ташкил этилиши, бўйсунувдаги ўзгаришлар, тугатиш комиссияси иш фаолиятининг тугатилиши, бошқа ғазначилик бўлинмаси томонидан хизмат кўрсатилишига ўтиш муносабати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини ёпилиши молия органлари ёки ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органлар томонидан мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақини ёпиш учун аризага асосан амалга оширилади.

38. Молия органи, ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи орган томонидан қайта ташкил этиш жараёни тугаллангандан сўнг, шунингдек бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ёки БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг бюджет даражаси ўзгарганда ёки бошқа ғазначилик бўлинмасига хизмат кўрсатилишига ўтганда янги харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш мазкур Қоидаларнинг 28 — 30-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

39. Очилган ва ёпилган харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби «ЎРМВ» АТда Харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш китобида электрон кўринишда мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда юритилади.

40. Молия органларининг ваколатли ходимлари харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидагиларни акс эттирадilar:

а) бюджет маблағлари бўйича:

бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари, шунингдек вақтинчалик харажатлар сметалари ҳамда капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари бўйича харажатлар сметаларида кўрсатилган маблағлар;

харажатлар сметаларига, шунингдек капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларининг ойлик ёйилмаларига киритилган ўзгартиришлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

бюджет ташкилотларининг тегишли харажатлар сметаларида кўрсатилган маблағлар, тушуми ва харажат йўналишлари чекланмайдиган бюджетдан ташқари маблағлар турлари бундан мустасно;

харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришлар.

41. ДМЖ ва БМЖ тақсимловчи органларнинг ваколатли ходимлари харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидагиларни акс эттирадilar:

а) жамғарма маблағлари бўйича:

ДМЖ ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари, шунингдек вақтинчалик харажатлар сметалари, шунингдек капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаларида кўрсатилган маблағлар;

харажатлар сметаларига, шунингдек капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларининг ойлик ёйилмаларига киритилган ўзгартиришлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

ДМЖ ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг тегишли харажатлар сметаларида кўрсатилган маблағлар;

харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришлар.

42. Ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидагиларни акс эттирадilar:

а) бюджет маблағлари бўйича:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга берилган ХТР; ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган молиявий мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган) харажатлар, шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

келиб тушаётган бюджетдан ташқари маблағлар; ғазначилик бўлинмаларида ҳисобга олинган юридик мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмаларида ҳисобга олинган молиявий мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган) харажатлар, шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

в) ДМЖ ва БМЖ маблағлари бўйича:

ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган молиявий мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган) харажатлар, шу жумладан нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

г) ДМЖ ва БМЖ бюджетдан ташқари маблағлари бўйича:

келиб тушаётган бюджетдан ташқари маблағлар; ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган молиявий мажбуриятлар; ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган) харажатлар, шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар.

43. Ғазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ҳамда БМЖ бюджетидан маблағ олувчиларнинг сўровига кўра уларнинг тегишли харажатлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда улардан кўчирмаларни мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этадилар.

«UzASBO» ДМга уланган бюджет ташкилотлари «UzASBO» ДМдан электрон ҳужжат кўринишдаги кўчирмаларни олишлари мумкин. Электрон ҳужжат кўринишда тақдим қилинган кўчирмалар ва уларга иловалар қоғоз ҳужжатларга тенглаштирилади ва улар билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

4-боб. Яқуний қоидалар

44. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

45. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2016 йил 24 март

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2016 йил 24 март

*Давлат божхона
қўмитаси раиси*

З. ДУСАНОВ

2016 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини
юритиш қоидаларига
1-ИЛОВА

13 (721)-сон

**Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа мақсадли жамғармалар бюджетлари даражаси бўйича
шахсий ғазна ҳисобварақларни рўйхатдан ўтказиш
КИТОБИ**

Т/р	Бюджет номи	Шахсий ғазна ҳисобварағи очилган сана	Шахсий ғазна ҳисобварағи ёпилган сана	Шахсий ғазна ҳисобварағи			
				маблағлар манбаси ва бюджет даражаси коди	валюта коди	ҳудудий тегишлилик коди	ноёб рақами

— 77 —

125-модда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ахборот тизимида шахсий газна ҳисобварақларини
юритиш қоидаларига
2-ИЛОВА

125-МОДДА

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа мақсадли жамғармалар даромадлари
бўйича шахсий газна ҳисобварақларни рўйхатдан ўтказиш
КИТОБИ

Т/р	Шахсий газна ҳисобварағи номи	Шахсий газна ҳисобварағи очилган сана	Шахсий газна ҳисобварағи ёпилган сана	Шахсий газна ҳисобварағи					
				маблағлар манбаси ва бюджет даражаси коди	валюта коди	назорат калити	ҳудудий тегишлилик коди	даромад тури	ташкилий тасниф коди

— 78 —

13 (721)-сон

**Бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бошқа мақсадли жамғармалар бюджетидан
маблағ олувчиларнинг шахсий газна ҳисобварақлари
ТУРЛАРИ**

Т/р	Маблағлар манбаси	Давлат бюджети											Шахсий газна ҳисобварағи тури		
		Ўйилма	Вақтинчалик харажатлар сметаси	Харажатлар сметаси	Юридик мажбуриятлар	Тушумлар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажатлари бўйича сўровнома	Тўлов ҳужжатлари	Бир сатрдаги харажатлар	Маълумот			
1.	1 000	Давлат бюджети (бюджет ташкилотлари учун)	+	+	+	+	-	+	+	+	+	+	-	-	1
2.	1 000	Давлат бюджети (бир сатрда молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун)	+	+	+	+	-	+	+	+	+	+	+	-	13
3.	1 000	Махфий харажатларни бир сатрда молиялаштириш	+	+	+	-	-	-	+	-	-	+	+	-	4
4.	1 000	Махфий бўлмаган харажатларни молиялаштириш (Давлат бюджетининг газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари)	+	+	+	+	-	-	+	-	-	+	-	-	9
5.	1 000	Ўзаро ҳисоб-китоблар учун	+	+	+	-	-	-	+	-	-	+	-	+	5
6.	1 000	Субвенция	+	+	+	+	-	-	+	-	-	+	-	-	9
7.	1 000	Дотация	+	+	+	+	-	-	+	-	-	+	-	-	9
8.	1 000	Ўтказиб бериладиган даромадлар	+	+	+	+	-	-	+	-	-	+	-	-	9
9.	1 000	Режали ссуда	+	+	+	+	-	-	-	-	-	+	-	-	15
10.	1 000	Режадан ташқари ссуда	-	-	-	+	-	-	-	-	-	+	-	-	12
11.	1 000	Эркин қолдиқлар ҳисобига ўтказиб бериладиган маблағлар	+	+	+	+	-	+	+	+	+	+	-	-	20
12.	1000	Даромадларни ошириб бажарилган қисми ҳисобига ўтказиб бериладиган маблағлар	-	+	+	+	-	+	+	+	+	+	-	-	21

Т/р	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтинчалик харажатлар сметаси	Харажатлар сметаси	Юридик мажбурийлар	Тушумлар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажатлари бўйича сўрвнома	Тўлов ҳужжатлари	Бир сатрдаги харажатлар	Маълумот	Шахсий газна ҳисобварағи тури
13.	1 000	Хусусийлаштириш ҳисобига ўтказиб бериладиган маблағлар	-	+	+	-	+	+	+	+	-	-	21
Давлат мақсадли ва бошқа мақсадли жамғармалари													
Т/р	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтинчалик харажатлар сметаси	Харажатлар сметаси	Юридик мажбурийлар	Тушумлар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажатлари бўйича сўрвнома	Тўлов ҳужжатлари	Бир сатрдаги харажатлар	Маълумот	Шахсий газна ҳисобварағи тури
1.	2 001	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	+	+	+	-	-	+	-	+	-	-	10
2.	2 002	Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-	18
3.	2 003	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-	18
4.	2 003	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (депозит)	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	12
5.	2 004	Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	12
6.	2 001-2 003	Даромадларни ошириб бажарилган қисми ҳисобига ўтказиб бериладиган маблағлар	-	+	+	+	-	+	+	+	-	-	21
7.	3 002	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси	+	+	+	+	-	-	-	+	-	-	18

Т/р	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтин- чалик харажат- лар сметаси	Хара- жатлар сметаси	Юридик мажбу- риятлар	Тушум- лар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажат- лари бўйича сўровнома	Тўлов хужжат- лари	Бир сатрдаги харажат- лар	Маълумот	Шахсий ғазна ҳисоб- варағи тури
8.	3 003	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касбхунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	+	+	+	-	-	-	-	+	-	-	19
9.	3 004	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	+	+	+	-	-	-	+	+	-	-	18
10.	3 004	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси (депозит)	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	12
11.	3 007	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	+	+	+	+	-	-	+	+	-	-	18
12.	3 008	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	+	+	+	+	-	-	+	+	-	-	18
13.	3 008	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (депозит)	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	12
14.	3 800	Бошқа мақсадли жамғармаларнинг депозит маблаглари	-	-	+	+	-	-	-	+	-	-	25

T/p	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтинчалик харажатлар сметаси	Харажатлар сметаси	Юридик мажбуриятлар	Тушумлар	XTP	100 % XTP	I ва II гуруҳ харажатлари бўйича сўровнома	Тўлов ҳужжатлари	Бир сатрдаги харажатлар	Маълумот	Шахсий газна ҳисобварағи тури	
15.	3 999	Бошқа мақсадли жамғармаларнинг бошқа маблағлари	-	-	+	+	+	-	-	-	+	-	-	25
16.	3 001 — 3 008	Даромадларни ошириб бажарилган қисми ҳисобига ўтказиб бериладиган маблағлар	-	+	+	+	-	+	+	+	+	-	-	21
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари														
T/p	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтинчалик харажатлар сметаси	Харажатлар сметаси	Юридик мажбуриятлар	Тушумлар	XTP	100 % XTP	I ва II гуруҳ харажатлари бўйича сўровнома	Тўлов ҳужжатлари	Бир сатрдаги харажатлар	Маълумот	Шахсий газна ҳисобварағи тури	
1.	4 001	Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	11	
2.	4 002	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари	-	-	-	+	-	-	+	+	-	-	3	
3.	4 003	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси	-	-	-	+	-	-	-	+	-	-	11	
4.	4 004	Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси	-	-	-	+	-	-	-	+	+	-	14	
5.	4 005	Мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	-	-	+	+	-	-	-	+	+	-	31	
6.	4 006	Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушумлар (музиқа ва санъат мактаблари)	-	-	+	+	-	-	-	+	-	-	33	

Т/р	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтин- чалик харажат- лар сметаси	Хара- жатлар сметаси	Юридик мажбу- риятлар	Тушум- лар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажат- лари бўйича сўрвнома	Тўлов ҳужжат- лари	Бир сатрдаги харажат- лар	Маълум- от	Шахсий ғазна ҳисоб- варағи тури
7.	4 007	Ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисоб-китоблардан тушадиган тушумлар	-	-	-	+	-	-	-	+	+		32
8.	4 008	Мақтаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушумлар	-	-	+	-	+	-	-	+	+		31
9.	4 009	Ўқув муассасаларида ўқи-тишдан тушаётган маблағлар	-	-	+	-	+	-	-	+	-		33
10.	4 010	Ажратмалар ҳисобига шакл-ланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари	-	-	+	+	-	-	+	+	-		2
11.	4 011	Умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси учун тўловлардан тушган маблағлар	-	-	-	-	+	-	-	-	+	+	14
12.	4 012	Капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар	-	-	+	+	+	-	-	+	+	-	2
13.	4 013	Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар	-	-	-	-	+	-	-	-	+	+	32
14.	4 014	Тақсимланиши назарда тутилган маблағлар (тиббиёт муассасалари учун)	-	-	-	-	+	-	-	-	+	-	11
15.	4 014	Тақсимланиши назарда тутилган маблағлар (транзит)	-	-	-	-	+	-	-	-	+	-	11
16.	4 015	Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови	-	-	+	-	+	-	-	-	+	-	33
17.	4 016	Бошқа маблағлар бўйича депозитлар	-	-	+	-	+	-	-	-	+	-	33

Т/р	Маблағлар манбаси	Ўйилма	Вақтин- чалик харажат- лар сметаси	Хара- жатлар сметаси	Юридик мажбу- риятлар	Тушум- лар	ХТР	100 % ХТР	I ва II гуруҳ харажат- лари бўйича сўровнома	Тўлов ҳужжат- лари	Бир сатрдаги харажат- лар	Маълум- от	Шахсий ғазна ҳисоб- варағи тури
18.	4 028	Божхона тўловларини тў- лашдан тушган тушумлар	-	-	-	+	-	-	-	+	-		11

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг ахборот тизимида шахсий газна
ҳисобварақларини юритиш қондаларига
4-ИЛОВА

**Шахсий газна ҳисобварағи (лари) очиш тўғрисида
АРИЗА**

20 __ йил «__» _____

Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчи томонидан тўлдирилади

Бюджет ташкилоти, бюджет
маблағлари олувчи ва БМЖ
бюджетидан маблағ олувчи номи _____
Бюджет _____
Вилоят _____
Туман (шаҳар) _____
Харажатларнинг вазифа жиҳатидан тасниф коди _____
Ташкилий тасниф коди _____

_____ да шахсий газна ҳисобварағи очишни сўрайман
(молия органи, ДМЖ ёки БМЖ тақсимловчи орган номи)

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Бош ҳисобчи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Молия органи, ДМЖ ёки БМЖ тақсимловчи орган томонидан тўлдирилади

Шахсий газна ҳисобварағини очиш учун тақдим
этилган ҳужжатларни текширди _____
(ходимнинг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

_____ да шахсий газна ҳисобварағи очишга рухсат этилади.
(молия органи, ДМЖ ёки БМЖ тақсимловчи органнинг номи)

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20 __ йил «__» _____ да шахсий газна ҳисобварағи(лари) очилди.

Разрядлар бўйича шахсий газна ҳисобварағи рақами

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	----	----

Разрядлар бўйича шахсий газна ҳисобварағи рақами

15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27
----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----

_____ Молия органининг шахсий газна ҳисобварағи очганлиги ҳақидаги белгиси

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг ахборот тизимида шахсий
ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига
5-ИЛОВА

**Хизмат кўрсатиладиган қўйи бюджет ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

(бюджет маблағларини тақсимловчи номи)

Т/р	Харажатларнинг вазифа жиҳатидан тасниф коди	Ташкилий тасниф коди	Бюджет ташкилотининг номи

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Бош ҳисобчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20 ____ йил « ____ » _____

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг ахборот тизимида шахсий газна
ҳисобварақларини юритиш қондаларига
6-ИЛОВА

**Шахсий газна ҳисобварағини ёпиш тўғрисида
АРИЗА**

20 __ йил «__» _____

Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчи томонидан тўлдирилади

Бюджет ташкилоти, бюджет
маблағлари олувчи ва БМЖ
бюджетидан маблағ олувчи номи _____
Харажатларнинг вазифа жиҳатидан тасниф коди _____
Ташкилий тасниф коди _____
Молия органи номи _____
Шахсий газна ҳисобварағи рақами _____

(бюджет маблағлари олувчи) _____ сабабли

(сабаби кўрсатилади)
шахсий газна ҳисобварағини ёпишингизни сўрайди.

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
М.Ў. _____
Бош ҳисобчи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Молия органи, ДМЖ ёки БМЖ тақсимловчи орган томонидан тўлдирилади

Масъул ходим _____ (лавозими) _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Тегишли бўлим
(сектор) бошлиғи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20 __ йил «__» _____

Шахсий газна ҳисобварағини ёпиш тўғрисида молия органи белгиси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини
юритиш қоидаларига
7-ИЛОВА

125-модда

**Бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар ва бошқа мақсадли жамғармалар бюджетидан
мблағ олувчиларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш
КИТОБИ**

Т/р	Шахсий ғазна ҳисобварағи номи	Шахсий ғазна ҳисобварағи очилган сана	Шахсий ғазна ҳисобварағи ёпилган сана	Шахсий ғазна ҳисобварағи					
				мблағлар манбаси ва бюджет даражаси коди	валюта коди	ҳудудий тегишлилик коди	харажатлар- нинг вазифа жиҳатидан тасниф коди	ташкилий тасниф коди	ноёб рақами

— 88 —

13 (721)-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг ахборот тизимида шахсий
ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларига
8-ИЛОВА

**Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва
БМЖ бюджетидан маблағ олувчининг бюджет маблағлари
(жамғарма маблағлари) бўйича шахсий ғазна ҳисобварағидан
КЎЧИРМА**

20__ йил «__» _____ учун

Ғазначилик бўлинмаси номи _____
Бюджет ташкилоти, бюджет
маблағлари олувчи ва БМЖ
бюджетидан маблағ олувчи номи _____
Шаклланган сана 20__ й «__» _____
Аввалги кўчирма санаси 20__ й «__» _____
Шахсий ғазна ҳисобварағи _____
Масъул ходим _____
(Ф.И.О.)

Т/р	Ҳисоб рақам	МФО	Хужжат рақами	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Харажатлар моддаси
Жами айланмалар						

Штамп ўрни

Ғазначиликнинг масъул ходими имзоси _____
20__ йил «__» _____

**Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари
(жамғарманинг бюджетдан ташқари маблағлари) бўйича
шахсий ғазна ҳисобварағидан
КЎЧИРМА**

20__ йил «__» _____ учун

Ҳазначилик бўлинмаси номи _____
 Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва БМЖ бюджетидан маблағ олувчи номи _____
 Шакланган сана 20__ й «__» _____
 Аввалги кўчирма санаси 20__ й «__» _____
 Шахсий ғазна ҳисобварағи _____
 Масъул ходим _____
 (Ф.И.О.)

			Қун бошига қолдиқ	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Қун охирига қолдиқ
Бюджет ташкилотлари ва жамғармаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари						
Т/р	Ҳисоб рақам	МФО	Ҳужжат рақами	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Харажатлар моддаси
Жами айланмалар						

Штамп ўрни

Ҳазначиликнинг масъул ходими имзоси _____
 20__ йил «__» _____